O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 24-iyul • Payshanba • 88 (27.893) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида биринчи ярим йилликда ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, улар учун янги иш ўринлари ташкил этиш, ёш оилаларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш, ёшлар таълими сифатини ошириш бўйича тадбирлар амалга оширилиб, уларни молиялаштиришга 702 млрд. сўм маблағ ажратилди.

ЁШ ОИЛАЛАР УЧУН УЙЛАР

пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Феруза мавзесида ҳам қад ростламоқда



Мамлакатимизда ёшларга ғамхўрлик қилиш ва уларни қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Президентимизнинг 2007 йил 18 майда қабул қилинган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эса бу борада асосий дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Ёшлар йили муносабати билан юртимиз келажаги бўлмиш йигит-қизларга меҳрибонлик қилинаётир. Жумладан янги турмуш қурган келин-куёвлар учун уй-жойлар қуриш миқдори кўпайди. Банклар эса уларга имтиёзли ипотека кредитлари ажратиб бермоқда.

Ўзининг 2200 йиллигини нишонлашга пухта ҳозирлик кўраётган пойтахтимиз Тошкентда ҳам улкан қурилиш ишлари давом эттирилмоқда. Мирзо Улуғбек туманидаги Феруза мавзесида қад кўтараётган қирқ ва йигирма хонадонли иккита уй ҳам ёш оилаларга мўлжалланган. Бунёдкорлар лойиҳа-смета қиймати 2 миллиард 300 миллион сўмлик ва 1 миллиард 480 миллион сўмлик уйларни шу йилнинг октябрь ойигача фойдаланишга топшириш учун астойдил ҳаракат қилишаётир. Айни пайтда 48 нафар ғишт терувчи, бетончи ва монтажчи ҳамда кўплаб қудратли техника юксак унум билан ишламоқда. 28 нафар пардозловчи эса сувоқчилик ишларини бошлаб юборишди. Барча қурилиш-монтаж ишларини «Ўзбекгидроэнергоқурилиш» очиқ акциядорлик жамияти қошидаги «Тошсифатқурилиш» масъулияти чекланган жамиятининг бунёдкорлари амалга оширишяпти.

Суратларда: ёш оилалар учун қурилаётган янги уйлар ва уларнинг бунёдкорлари.

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2008 йилнинг 1 сентябридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, стипендиялар, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,2 баравар оширилсин.

2. 2008 йилнинг 1 сентябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 25040 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 49600 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 25040 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 49600 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 30040 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2008 йилнинг 1 сентябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2008 йилнинг 1 сентябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 5 мартдаги ПФ-3972-сонли Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2008 йилнинг 1 сентябридан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 21 июль

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

Яқинда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари кўриб чиқилди.

Мустақил Ўзбекистон ҳукумати истиқлолнинг илк кезлариданоқ ўз фуқароларини доимий меҳнат билан таъминлашга, уларга қулай ва замонавий янги иш ўринлари яратиб беришга, айниқса, ҳаётга эндигина кириб келаётган ёш йигит-қизларнинг ўз ихтисосликлари бўйича муқим иш жойларига эга бўлишига катта эътибор қаратиб келмоқда.

Биргина ўтган йили янги иш ўринларини ташкил этиш борасида кўрилган изчил чора-тадбирлар — иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли ўртасида ишсизлар сонини мамлакатимиз бўйича 5 фоизга камайтириш имконини берди. Бошқача айтганда, 630 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилиб, уларнинг қарийб учдан икки қисми қишлоқ жойларда очилди. 65 фоизга яқини кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш тармоқлари, 20 фоиздан ортиғи касаначилик соҳаси ҳиссасига тўғри келди.

Ривожланишнинг мақсадли комплекс дастурлари фаол амалга оширилиши туфайли жорий йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткичлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан янада юқори бўлди. Вужудга келтирилган 372,1 мингта янги иш ўринларининг 130,2 мингтаси хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси, 132,6 мингтаси меҳнатнинг янги тури — касаначилик улуши бўлди.

Яратилган ва яратилаётган янги иш ўринлари, шубҳасиз, нафақат одамларнинг бойлик ёхуд даромад манбаи — балки жамиятимиз бойлиги ҳамдир.

Бир ҳафта олдин Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қайд этилганидек, йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда ЯИМнинг ўсиши 9,3 фоизни, саноат ишлаб чиқариш ҳажмлари ўсиши 12,2, истеъмол буюмлари тайёрлаш 16,6, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 5,4, чакана товар айланмаси 14,4, пулли хизматлар кўрсатиш 18,9 фоиз бажарилди. Буларнинг ҳаммаси Ватан, халқ ва жамият бойлиги бўлиб, ҳаммаси турмушимиз фаровонлигини оширишнинг беқиёс манбаларидир.

Бу манбалар аҳолини, хусусан ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, улар учун янги иш ўринлари яратиш, ёш оилаларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш, ёшлар таълими сифатини ошириш бўйича кўзланган қатор тадбирларнинг амалга оширилишига хизмат қилади. Масалан, ўтган олти ой ичида айни шундай тадбирларни молиялаштиришга 702 миллиард сўм маблағ ажратилди. Ёш оилаларга уй-жойлар сотиб олиш, уларни реконструкция қилиш ва қуриш учун 17,1 миллиард сўм имтиёзли ипотека кредитлари берилди.

Мамлакат иқтисодий тармоқларини изчил модернизациялаш, замонавий технологияларни жорий қилиш, пировардида янги иш ўринларини бунёд этиш ва шу тариқа аҳолининг турмуш даражасини ошириш таъминланаётгани Ўзбекистон халқи ҳеч кимдан кам бўлмаган, кам эмас ва кам ҳам бўлмайди деган тамойилнинг ёрқин намоёни бўлмоқда.

Маълумки, янги иш ўринлари, бу аввало, аҳолининг мустаҳкам ижтимоий ҳимоясини таъминлайди. Айни чоғда одамларнинг эртанги кунига, жамиятга ишончини оширади, мамлакат тараққиётини юксалтиради.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

☑ **2008 йил – Ёшлар йили**

ЖАСУР ЎҒЛОНЛАР

эл осойишталиги йўлида хизмат қилишни шараф деб биладилар

Ойбек Иброҳимов Республика Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби курсанти. У бу даргоҳда таълим олиб, профессионал ўт ўчирувчи мутахассис, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, бу офатнинг олдини олишга қодир етук муҳандис-зобит бўлиб етишади.

Ойбекни бу ўқув даргоҳига етаклаб келган ҳавас болалигида уйғонган. Яшаб турган маҳалласида қўшни хонадон эгаларининг бепарволиги туфайли катта ёнғин содир бўлган. Олов ичидан ёш болани қутқариб, бағрига босиб чиққан ўт ўчирувчи Ойбекнинг хотирасида бир умрга муҳрланиб қолди. Ҳавас мақсадга айланиб, мана у шу оғир ва шарафли касб эгаси бўлиш арафасида. Тўғри, Ойбекнинг ҳаётида юқоридаги каби ҳодиса бўлмаслиги мумкин (бўлмасин ҳам, ҳеч ким ўт ичида қолмасин), аммо олий мактабда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш чоралари ҳақида олган илмий-назарий, амалий билимларини ҳаётда қўллайди. Зеро, олов инсонга гоҳ дўст, гоҳ душман, тилсиз ёв — ёнғин айтиб келмайди.

— Президентимиз республика Мудофаа вазирлигига қарашли вертолётчилар ҳарбий қисмида бўлганида, ҳарбийларнинг дам олиши, спорт билан шуғулланиши, маданий ҳордиқ чиқариши учун яратилган шарт-шароит билан танишгач, «Ислоҳотлар — инсон учун» деган эзгу ғоямизни ҳарбийлар учун ҳам тўла таллуқли, уларнинг хизмат ва турмуш шароити яхши бўлиши учун зарур барча шароитларни яратиб беришимиз лозим. Бунинг учун давлатимизнинг салоҳияти етарли, деб уқтирганини эшитиб, қаттиқ ҳаяжонландим, фахрландим, — дейди Ойбек Иброҳимов. — Бу эътибор биздан касбимизни ардоқлашни, яхши ўқишимизни ва эртага ўз хизмат вазифамизни виждонан ҳалол адо этишни талаб қилади.

— Аслида ўқув даргоҳимизга фидойи, жасур йигитлар келади, — дейди олий техник мактаб бошлиғининг биринчи ўринбосари, полковник Жамшидхон Исроилов. — Мактабимиз мамлакатимизнинг бутун ёнғин хавфсизлиги тизимига кадрлар тайёрлаб беради. Жойлардаги ички ишлар бўлимларида бу ерда ўқиш хоҳишидаги йигитларнинг жисмоний, маънавий, руҳий ҳолатлари чуқур ўрганилиб, кейин йўлланма берилади. Тест синовлари натижаларига ҳарбий қисм тавсиянома-си, ички ишлар идора ва тизимларининг сафдор ва сержантлар таркиби ходимлари, ихтисослашган ҳарбий, ҳарбий ҳуқуқий ва ИИВ Олий таълим муассасалари қошидаги лицейлар ва таълим муассасалари битирувчиларига берилган имтиёзлар — тўпланган баллнинг маълум фоизи қўшиб ҳисобланади.

Бу йилги тест синовлари ҳам ўртда қолди. Курсантлар сафига янгилари келиб қўшилди. Курсантлар учун барча шароитлар муҳайё — тажрибали устоз ўқитувчилар, замонавий амалиёт ва спорт базаси, илмий-текшириш маркази, электрон кутубхона, компьютер синфлари — буларнинг ҳаммаси ёшларнинг етук мутахассис муҳандис ва зобит бўлиб етишишларининг муҳим омилидир.

Танлов бор жойда, албатта, кимдир ютиб, кимдир ютқазади. Ютганлар, яъни юқори балл тўплаганлар курсант бўлдилар. Олий техник мактаб қабул комиссиясидан ҳужжатларини қайтиб олаётган йигитни ҳам учратдик.

— Озгина балл етмай қолди, — дейишди улар. — Ҳечқиси йўқ, бир йил ишлаймиз, қаттиқроқ тайёргарлик кўрамиз. Келгуси йил яна шу мактабга ҳужжат топширамиз. Чунки ёнғинга қарши курашувчи муҳандис-зобит бўлишни жуда-жуда истаймиз...

Улар бу гапни қатъият билан айтишди, улар ўз сўзлари устидан чиқишларига ишондик. Кўнглимиздан яна бир гап ўтди: ўғлонларимизнинг ҳарбийликка, эл осойишталигини сақлашдек касбларга ихлоси баланд. Зеро, бу ватанпарварликдан далолат.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI
Хизматлар лицензиялан

ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан 21 июль куни мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Кувайт Давлати Амири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳнинг сафари ниҳоясига етди. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 23 июль куни Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни кузатиб қўйди.

Кувайт Давлати Амирининг мамлакатимизга ташрифи самарали бўлди. Ушбу ташриф, аввалгидек, икки томонлама муносабатларга оид барча долзарб масалаларни, ҳамкорликнинг ҳозирги босқичи ва истиқболларини муҳокама қилиш учун яхши имконият яратди.

Ислом Каримов ва шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ Ўзбекистон — Кувайт муносабатларига доир масалалар, томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Республикаси ва Кувайт Давлатининг қўшма баёноти қабул қилинди. Шунингдек, ўнга яқин ҳужжат имзоланди. Ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлаган ушбу келишувлар икки мамлакат ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

(ЎзА)

ЎзХДП ҳаёти

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

устувор бўлган бошланғич партия ташкилотининг таъсир доираси кенг, обрўси юқори бўлади

Маълумки, партия ўзининг қуйи бўғинларига таянган ҳолда фаолият олиб боради. Ана шу таянчлар қанчалик мустаҳкам бўлса, партиянинг ўз электорати орасидаги обрўси шунчалик юқори бўлади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бухоро вилоят кенгаши ҳам фуқароларнинг иш ва яшаш жойларида тузилган қарийб 700 та қуйи бўғин орқали ўз сиёсатини юритмоқда. Шуниси қувончлики, қатор бошланғич партия ташкилотлари ва уларнинг етакчилари электорат ишончини қозонмоқда. Улар бу борада катта тажриба тўплашган.

Қоракўл туманидаги Хўжалар маҳалла фуқаролар йиғини худудий партия ташкилотига жонкуяр Курбонгул Ҳалимова раислик қилади. Маҳаллада яшовчи 2275 нафар аҳолининг аксариятини, уларнинг қувончу ташвишини у жуда яхши билади. Сабаби, иш юзасидан ҳар куни улар билан юзма-юз келади. Ҳар бир оила нима билан нафас олади, қандай кун кечиради — ҳаммаси унга аён.

— Биласизми, — дейди опа биз билан суҳбатда, — фуқаролар нега айнан бизнинг партия фаолларига дардини айтади? Сабаби — фаолиятимиз бевосита аҳолининг кам таъминланган, муҳофаза ва кўмакка муҳтож қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. 552 та хонадоннинг ҳар бири бир дунё, ўзига хос иқлимга эга. Хоҳиш-интилиш бўлса, ҳар қандай муаммонинг ечими топилади. Маҳалламиз ҳаётида 16 нафар партия аъзосини бирлаштирган бошланғич ташкилотнинг алоҳида ўрни бор. Фаолларимиздан Инобат Жумаева, Хосият Тўраева, Чинни Ҳафизовалар «Ёшлар йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш борасидаги ишларга бош-қош бўляптилар.

Дарвоқе, маҳаллада катта қўламда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Гузар қад ростламоқда. «Қоракўлтекс» қўшма корхонаси, Саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежидаги ёшлар билан алоҳида иш олиб борилаяпти. Хусусан, битирувчиларни иш билан таъминлаш, 38 та кам таъминланган оиладаги хотин-қизларни касаначиликка жалб этиш ҳам бошланғич партия ташкилоти зиммасидаги устувор юмушга айланган.

— Бундай бошланғич ташкилотлар сафи кун сайин ошяпти, — дейди ЎзХДП туман кенгаши раиси Файзулла Бебутов. — Эскиқалъа қишлоқ фуқаролар йиғини ва бошқа бошланғич партия ташкилотлари электорат ҳурматини қозонган. Шу боис бу жойларда партия сафлари ёшлар ҳисобига ўсмоқда. Партиямиз дастурий мақсадларига эришиш учун БПТдан талаб катта эканини эътиборга олсак, ишимиз самарадорлиги кўп жиҳатдан етакчиларнинг сиёсий, интеллектуал салоҳиятига боғлиқлиги аён бўлади.

— Жуда тўғри, — дейди Шофиркон туманидаги Дўрмон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудий партия ташкилоти раиси Садриддин Қўшшаев, — бугун БПТ етакчиси ўз зиммасидаги масъулият, ўзига билдирилган ишончни қандай оқлаётгани ҳақида ўйлаб кўриши даркор. Устав талаблари асосида вақти-вақти билан йиғилишга тўпланиш, фаоллар билан маслаҳатлашиб иш кўришни кўпчилигимиз унутиб қўйганмиз.

С.Қўшшаев ўз фаолияти давомида ана шуларга алоҳида эътибор бергани боис, ҳисобда турган 21 нафар ЎзХДП аъзоси доим ҳудудда олиб борилаётган эзгу ишларнинг ташаббускори бўлмоқда. Қишлоқда иш ўринлари яратиш масаласи яқин-яқингача муаммо эди. Афзал Қўшшаев, Шаҳноза Ҳамроева, Илҳом Аслонов, Анвар Қодиров сингари партиядошларимиз саъй-ҳаракати билан 95 та янги иш ўрни яратилди. Эндиликда бу ерда тўйхона, савдо шохобчалари, компьютер хонаси фаолият кўрсатмоқда. Яна Денов ММТП, «Даҳёри — Беҳишт» кичик корхонаси билан 22 нафар аёл касаначи сифатида шартнома тузган. Хуллас, ҳудудда ижтимоий масалалар бирин-кетин ҳал бўлаётир. Янги мактаб, новвойхона эрта-индин ишга тушади. Болаларнинг келажаги ҳақида қайғуриш, спортни ривожлантириш борасида ҳам анчагина ишлар амалга оширилди. Натижада Дўрмонда ЎзХДП хайрихоҳлари кўпаймоқда.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Вилоятдаги ҳамма БПТдан ҳам кўнгил тўладими? Афсуски, йўқ. Айрим бошланғич ташкилотлар номигагина тузилган, ҳатто раиси кимлигини кўпчилик билмайди. Шу боис уларда партия аъзолари сафи кенгаймаяпти. Бундай ҳол Ромитан, Пешкў, Ғиждувон, Бухоро, Когон туманларидаги айрим бошланғич ташкилотларга хосдир.

— Бунга барҳам бериш учун, — дейди вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Баҳриддин Муҳиддинов, — БПТ фаолиятининг мониторингини йўлга қўйдик. Жойларда ўтказилаётган йиғилишларни энди бевосита БПТга кўчираяпмиз. Бу билан қуйи бўғинлар фаоллигини ошириш, тўпланган тажрибаларни оммалаштиришда етакчиларга амалий кўмак бериш кўзда тутилган.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ДОН— РИЗҚ-РЎЗИМИЗ

Оқдарё туман дон қабул қилиш маскани мавсумда 28 минг 171 тонна «қирмизи дон»ни қабул қилиб олди.

Айни вақтда бу ерда йиғиштирилган ғалла ҳосилини сифатли қуритиш, сақлаш, лаборатория таҳлилидан ўтказиш каби ишлар ўз вақтида ва сифатли амалга оширилмоқда. Бу юмушларни бажаришда Ирина Григорьянц, Акмал Камолов, Жамшид Усмонов, Отабек Қўзиев каби ходимлар муносиб ҳисса қўшмоқда.

Суратларда: туман дон қабул қилиш маскани фаолиятидан лавҳалар.

Тоҳир Норқулов (ЎзА) олган суратлар

Қарор ва ижро

ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИГА ҚУЛАЙЛИК

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2007 йил 21 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Хоразм вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоят «Матлуботсавдо» ҳудудий акциядорлик компанияси томонидан қишлоқларда замонавий кичик савдо дўконлари очиш, аҳолига юқори савияда савдо хизмати кўрсатишни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Шу йилнинг ўтган даврида ўнга яқин ана шундай савдо шохобчалари фойдаланишга топширилди. Йил охиригача яна ўндан зиёд қишлоқда кичик савдо дўкони ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Гурлан туманидаги Сахтиён, Қангли қишлоқларида янги савдо дўконлари иш бошлади. Замонавий қиёфада ва барча қулайликларга эга, пластик карточкалар орқали харид қилиш имкониятлари ҳам мавжуд, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда хўжалик моллари сотиладиган мазкур шохобчалар аҳоли узоғини яқин, оғирини енгил қилиш билан бирга, қишлоқ ҳуснига-ҳусн қўшмоқда.

Айни кунларда тумандаги Хизрэли қишлоғида ҳам шундай дўкон қурилиши жадал суръатда давом этмоқда.

Ш.ХУДОЙБЕРГАНОВ, ЎзА мухбири

КЕКСАЛАР САЛОМАТЛИГИ ЭЪТИБОРДА

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2007 йил 19 сентябрда қабул қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ижросига Сирдарё вилоятида ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Янгиер шаҳридаги физиотерапия маркази вилоят уруш ва меҳнат фахрийлари шифохонаси филиалига айлантирилди. Юз ўринли мазкур муассасада замонавий тиббий ускуналар ёрдамида остеохондроз, радикулит, асаб, юрак, буйрак касалликларига ташхис қўйиш ва даволаш имконияти мавжуд. Қирқ нафар тиббий ходим беморларга юқори малакали хизмат кўрсатмоқда.

— Шифохонамизда физиотерапия, магнитотерапия муолажалари олиб борилади, – дейди олий тоифали шифокор Санобар Қурбонова. – Кекса отахон ва онахонларимиз саломатлигини тиклаб олишида бу муолажаларнинг аҳамияти катта. Беморларга зарур тиббий ёрдам кўрсатишимиз учун барча қулайликлар яратилган.

— Мен ушбу шифохонага келиб даволанаман, — дейди боёвутлик меҳнат фахрийси Ҳожар Акромова. — Икки-уч кундаёқ оёғимдаги оғриқ камаяди, ўзимни енгил ҳис қиламан. Врач ва ҳамширалар ширинсухан, ўз касбининг фидойилари. Бу ерда соғлигимизни тиклаб, руҳан тетик бўлиб уйга қайтамиз. Биз, кексалар мана шундай қулай шароитлар, эътибор ва ғамхўрликдан ғоят мамнунмиз.

Д. ЭСОНОВА, ЎзА мухбири

ИНВЕСТИЦИЯЛАР — ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

Мустақиллик йилларида иқтисодиётни эркинлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни жадаллаштириш йўлида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 20 июлда қабул қилинган «2007-2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига Сурхондарё вилоятида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган корхоналарни инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш тартибининг жорий этилиши хусусийлаштириш жараёнини тезлаштириб, одамларда мулкка эгалик ҳиссини кучайтирмоқда. Шу йилнинг ўтган даврида тўққиз корхона ва объект нодавлат шаклга ўтди, 48 корхона биржа савдоларига чиқарилди.

Жарқўрғон тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли жарроҳлик бўлимининг эски биноси давлат тендер комиссияси қарори билан савдога қўйилди. Таъмирталаб бўлиб қолган иншоот танлов савдоси орқали 65 миллион сўм инвестиция киритиш шарти билан «Жарроҳ медик» хусусий клиникасига берилди. Сармоядор бинони таъмирлаб, мебель, замонавий тиббий ускуналар ва жиҳозлар келтирди. Мижозларга малакали хизмат кўрсатишни йўлга қўйди ва қисқа вақтда 40 миллион сўм миқдорида инвестиция киритди.

— Янги йилгача инвестиция мажбуриятини ортиғи билан бажариб, мижозлар учун янада қулай шароит яратишни мўлжалламоқдамиз, — дейди хусусий клиника раҳбари Баҳодир Маҳмудов. — Бунинг учун қўшимча тиббий ускуна ва жиҳозлар сотиб оламиз. Янги иш жойлари очамиз. Муҳими, мулк ўз эгасини топиши ички ва ташқи бозорга рақобатбардош маҳсулотлар етказиш имконига эга корхоналарнинг сафи кенгайишига, аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигининг ошишига хизмат қилмоқда.

Х.МАМАТРАЙИМОВ, ЎзА мухбири

Газетада босилмади, аммо...

ЁШЛАР ТАЛАБИ АМАЛГА ОШДИ

«2008 йил — Ёшлар йили ҳамда қишлоқ инфратузилмасини инобатга олган ҳолда мен яшаб турган Қарши туманидаги Янгиобод ва унга қўшни қишлоқ ёшларига транспорт хизмати кўрсатиш йўлга қўйилса, айни муддао бўларди. Чунки иш ва ўқишга қатнашда қийинчилик юзага келмоқда...»

Яқинда Суманбар Чориеванинг мазкур хати юзасидан жавоб мактуби олдик. Унда, жумладан шундай дейилади:

«Қарши тумани ҳокимлиги фуқаро С.Чориеванинг Пармитон, Ниёзмудин, Губдин, Янгиобод қишлоқлари ёшларининг Қарши шаҳрига ўқишга бориб келиши учун автобус қўйиб беришни талаб қилиб ёзган аризаси юзасидан қуйидагиларни маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 мартдаги «Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарори асосида юқорида номлари кўрсатилган қишлоқларда микроавтобуслар ҳаракати йўлга қўйилди. Талаб ва истакларни инобатга олиб, Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгаши депутати, «Шарофиддин Нурилло» хусусий фирмаси раҳбари Н.Номозов Самарқанд шаҳридан лизинг асосида замон талабига мос «ИСУЗУ» автобусларини олиб келди ва бу автобуслар қонунда белгиланган тартибда йўловчиларга хизмат қилмоқда.

Қарши туман ҳокимининг биринчи ўринбосари: Б. РАСУЛОВ»

Ватанимиз мустақиллигининг 17 йиллиги олдидан

ОРЗУЛАР ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНДИ

Аҳолини табиий газ билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида

Ер, ерости бойликлари, авлод-аждодларимиз меҳнати билан яратилган иқтисодий, илмий-техникавий ва маънавий куч-қудрат ва имкониятлар миллий бойлик бўлиб, одамлар фаровонлигининг кафолати, ижтимоий тараққиёт ва равнақининг асоси бўлиб хизмат қилади.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон табиий газ қазиб олиш бўйича дунёда саккизинчи ўринда туради. Табиий газ республикамизнинг энг катта бойликларидан бири бўлиб, бугун у экспорт салоҳиятимизда ҳам алоҳида ўрин тутади.

Мамлакатимизда 155 та нефть ва газ конденсати ҳамда табиий газ конлари топилган. Ҳозир уларнинг 92 таси ишга туширилган. Қазиб олинаётган газнинг 85 фоизи халқ хўжалиги тармоқларида хомашё ва ёқилғи сифатида, шунингдек, аҳоли эҳтиёжи учун ишлатилмоқда, 15 фоизи эса экспорт қилинаётир. Айтиш керак, табиий газ қазиб олиш ҳажми 1991 йилга нисбатан 20 миллиард кубометрга ошди. Яъни, 39,9 миллиард кубометрдан 59,7 миллиард м³га етди.

Аҳолининг табиий газ билан таъминланганлик даражаси эса 83,4 фоизни, шу жумладан қишлоқ жойларда 76,4 фоизни ташкил этаётир. Бу МДҲ давлатларидаги энг юқори кўрсаткичлардан бири.

Табиий газнинг ҳаётимизда тутган ўрни ҳаммамизга яхши маълум. Бу бебаҳо хазина шаҳар ва қишлоқларнинг ёқилғи-энергетика тизилмасини тубдан ўзгартиради, хонадонларда иссиқ овқат тайёрлаш ва уй-жойларни иситиш учун электр энергияси ёки бошқа ёқилғи турларидан фойдаланишга ҳожат қолмайди. Бундан ташқари, табиий газ кўмир ёки бошқа бир ёқилғига нисбатан юқори самарали ва бирмунча арзондир. Биргина мисол. 1 тонна тошкўмирни нефть эквиваленти 0,476 тонна, шартли ёқилғи эквиваленти эса 0,68 тонна, таннархи транспорт харажатларисиз 22-28 минг сўмни ташкил қилади, аҳолига етказиб берилаётган 1000 кубометр табиий газнинг нефть эквиваленти 0,812 тонна бўлиб, шартли ёқилғи эквиваленти 1,16 тоннадир. Нархи эса 20,5 минг сўм. Яъни, табиий газдан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги бошқа ёқилғи турларига қараганда анча юқори.

Яқин-яқингача республикамиз аҳолиси ва улгуржи истеъмолчилар учун табиий газ етказиб бериш ҳудудий газ таъминоти корхоналари орқали амалга оширилар, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги эса бу ишга бош-қош бўлар эди.

Газ тақсимлаш тармоқларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш соҳасида ягона сиёсатни шакллантириш, истеъмолчиларга табиий газни етказиб бериш ва сотиш бўйича самарали бошқарув тизимини яратиш, шунингдек, табиий газдан оқилона фойдаланиш ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш мақсадида бу соҳада ҳам изчил ислоҳотлар ўтказилди. Айниқса, Президентнинг 2006 йил қабул қилинган **«Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори соҳа ҳаётида туб бурилиш ясади.

— Шундан сўнг 14 та ҳудудий газ таъминоти корхонаси негизида 6 та ҳудудлараро унитар корхоналар ташкил этилди, — дейди **«Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси бош директори Иркин Вагапов.** — Ҳозир 120 минг километр узунликдаги газ қувурлари орқали республикамиз аҳолиси ва иқтисодиёт тармоқларига табиий газ узлуксиз етказиб берилмоқда.

Биргина мисол. Агар мустақиллигимизнинг илк йилларида, яъни 1991 йилда шаҳар ва қишлоқ аҳолиси хонадонларини газлаштириш даражаси республикамиз бўйича атиги 37,3 фоизни ташкил этган бўлса, бунинг фақат 17,6 фоизи қишлоқлар ҳиссасига тўғри келган. Халқ хўжалиги ва аҳоли учун табиий газ етказиб берувчи қувурларнинг жами узунлиги бор-йўғи 34 минг километрдан ошган эмас. Истиқлол йилларида мамлакатимиз аҳолисини табиий газ билан таъминланганлик даражаси 84,1 фоизга етди. Қишлоқ ҳудудларида бу кўрсаткич 77,1 фоизни ташкил қилаётир. Бугунги кунда жами газ қувурларининг узунлиги эса 120 минг километрдан ошиб кетди.

Ўтган 16 йил давомида 2 миллион 297 мингдан зиёд аҳоли хонадонига табиий газ етиб борди. 2007 йилдан буён «Ўзтрансгаз» компанияси томонидан шимолий ҳудудлар газ таъминотини яхшилаш мақсадида 155 километр узунликдаги Газли — Нукус магистрал газ қувурининг иккинчи тармоғини барпо этишга киришилди. Шу билан бирга, республиканинг экспорт салоҳиятни ошириш мақсадида САЦ — 4, САЦ — 2 газ қувурларини қуриш ишлари жадал давом эттирилмоқда. Компания томонидан тасдиқланган 2008 йил манзилий дастурига асосан 985 миллиард 776 миллион сўм маблағ ажратмалари белгиланган бўлиб, биринчи ярим йилликда 367 миллиард 690 миллион сўм ўзлаштирилди. Бундан ташқари, вилоят ва шаҳарларда газ тарқатувчи қувурларни қуриш ишлари ҳам амалга оширилмоқда, жумладан Қорақалпоғистон Республикасида 93,9 километр, Андижон вилоятида 68, Сурхондарё вилоятида 32,2, Фарғона вилоятида 13,8, Наманган вилоятида 46,2, Сирдарё вилоятида 15,5, Самарқанд вилоятида 1,9, Бухоро вилоятида 20,1 километр ва Қашқадарё вилоятида қурилиши бошланган Калий минерал ўғитлар ишлаб чиқариш корхонасини ва шу ҳудуддаги ижтимоий соҳа объектларини газлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Газлаштириш даражаси энг кам кўрсаткични (61,5 фоиз) ташкил этган Сурхондарё вилоятининг қатор туманларида газ тақсимлаш станциялари (АГРС) ва тарқатувчи қувурларни қуриш ишлари олиб борилмоқда, жумладан вилоятнинг Ангор туманидаги «Қорақир» қишлоғидаги автоматик газ тақсимлаш станцияси ва тарқатувчи қувурларнинг қурилиши натижасида 2500 та хонадон газлаштирилади. Бойсун туманидаги «Хўжабулғон» қишлоғида худди шундай қурилмаларнинг қурилиши натижасида 4100 та хонадон табиий газдан баҳраманд бўлади. Шеробод туманидаги «Талашкон» қишлоғида ҳам ана шундай тадбирлар ҳисобига 3400 та хонадонга зангори олов кириб боради. Термиз туманидаги «Учқизил» аҳоли яшаш пунктида АГРС ва тарқатувчи қувурларнинг қурилиши натижасида 2750 та хонадон, Олтинсой туманидаги «Миршоди» қишлоғида эса 2250 та хонадон газлаштирилади. Вилоятнинг Денов туманидаги Юрчи, Эшонқишлоқ, Кутархон ва Короллан каби чекка қишлоқларини газлаштириш мақсадида шу йилнинг тўртинчи чорагида ишга тушириладиган 14 километр узунликдаги газ қувури қурилиши ишларининг олтмиш фоизи бажарилди. Шунингдек, Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида газ тақсимлаш станцияси ва узатувчи газ қувурларининг ишга туширилиши туманнинг бир неча йиллар давомида ечилмай келаётган, қиш ойларидаги газ танқислиги муаммосини ҳал этади.

Булунғур тумани «Қувват» қишлоғи аҳолисининг узоқ йиллар мобайнида ушалмай келаётган орзулари 1200 метр газ қувурининг фойдаланишга топширилиши натижасида рўёбга чиқди.

Худди шундай ишлар сирасига Хоразм вилоятининг Шовот туманидаги «Бешмерган» қишлоғининг газ таъминотини яхшилаш учун 3,2 километр, Сирдарё вилоятининг Боёвут тумани аҳолиси газ таъминотини яхшилаш учун 2,7 ва шу вилоятнинг Сардоба тумани «Пахтаобод» қишлоғига тортилган 3 километр узунликдаги газ қувурларини қўшиш мумкин.

Навоий вилоятидаги қишлоқ аҳолиси сонининг ўсиб бориши, уларни табиий газга бўлган эҳтиёжини ортишини ҳисобга олиб, вилоятда 2008 йилда газ тармоқларини қуриш режаси 24,9 километр бўлиб, ўтган ярим йил мобайнида 14,7 километр газ тармоқлари қурилди ва фойдаланишга топширилди. Натижада вилоят бўйича 601 та хонадон газлаштирилди, жумладан Зарафшон шаҳрида 135 та, Кармана туманида 21 та, Қизилтепа туманида 28 та, Конимех туманида 119 та, Навоий шаҳрида 23 та, Навбаҳор туманида 138 та, Нурота туманида 13 та, Хатирчи туманида 124 та хонадон газлаштирилди.

Қиш ойларида газ таъминоти узлуксизлигини таъминлаш мақсадида Қашқадарё вилоятининг Таллимаржон автоматик газ тақсимлаш станциясидан Нишон туманига 24,5 километр узунликдаги газ қувурининг тортилиши ҳисобига 1549 та аҳоли хонадони ҳозирги кунда газ таъминотидан тўла баҳраманд бўлмоқда.

Бундай бунёдкорлик ишлари энг аввало, одамларни ўйлаб, уларнинг оғирини енгил, турмушини фаровон қилиш учун амалга оширилаётир. Ушбу ўзгаришлар, янгиланишлар ҳақида ўйласак, яқин ўтмишдаги аҳволимиз беихтиёр ёдга тушади. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган табиий газ уйимиз ёнидан ўтган қувурлар орқали аллақаёқларга узатиларди, ундан ўзимиз бебаҳра эдик. Қаҳратон қиш кунлари кўплаб қишлоқлар аҳолиси ёқилғидан қийналиб қоларди. Одамлар уйларига газ кириб келишини йиллаб орзу қилишарди. Дарҳақиқат, бир қишлоқ ёки туманга газ ўтказиш учун собиқ марказдан рухсат олиш керак эди. Бунга эришиш эса осон эмасди. Бир қўлтиқ ҳужжат тайёрлаб, қанчалаб идоралар эшиги остонасида сарғайиб кутиш, тушунтириш керак бўларди. Ўз мулкимиздан ўзимиз фойдаланишимиз учун ўзгалардан изн сўрардик...

Бугун ўша замондаги орзу-умидлар рўёбга чиқди. Ўз бойликларимиз, имкониятларимиздан эмин-эркин фойдаланмоқдамиз. Булар ҳаммаси истиқлолимиз шарофатидан эканлигини халқимиз тобора чуқурроқ англаб етмоқда.

Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Иқтисодиёт ва ислоҳот

СОҒЛОМ РАҚОБАТ — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Мамлакатимизда жадал амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларда банк хизмати алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ бу соҳани тубдан ислоҳ қилиш, банклар ўртасида рақобат муҳитини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Зеро, бундан аҳоли ҳам, мамлакат иқтисодиёти ҳам катта наф кўради.

Истиқлолнинг ўн етти йили давомида юртимизда ўнлаб иқтисодий бақувват банклар фаолият юрита бошлади. Улар орасида айниқса, акциядорлик-тижорат «Пахта банк»нинг нуфузи баланд. Негаки, бу ерда ишлаётган ҳар бир ходим банк хизмати маданиятини кўтариш, турларини кўпайтиришга астойдил ҳаракат қилмоқда. Тизимни замонавий техникалар билан жиҳозлаш, иқтидорли ёшларни ўқитиш диққат марказида турибди.

Ана шу саъй-ҳаракатларда «Пахта банк» Андижон вилоят бошқармаси бўлимлари ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Улар асосий эътиборни иқтисодиётнинг агросаноат тизимига кирувчи корхона ва ташкилотларни молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳолининг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилиш, мижозлар базасини ўстириш, бизнес-режа ва бюджетни бажаришга ҳамда белгиланган фойдани олишга қаратишган. Вилоятда фаолият юритаётган 17 та филиал, 57 та мини банк (халқ хўжалигига) тезкор ва сифатли банк хизмати кўрсатиб келмоқда. Улар томонидан барча мулкчилик шаклидаги 23283 та юридик шахсларга комплекс банк хизмати кўрсатилаётир.

Ҳозирги пайтда банклар учун пул айланмасини тўғри йўлга қўйиш, нақд пул тушумини ошириш етакчи масалалардан бирига айланган. Нақд пул тушумининг ошиши — аҳолига иш ҳақларини вақтида тўлаш ҳамда банк орқали амалга ошириладиган бошқа операцияларни изга солишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу ўринда бир нарсани қайд этмоқ зарур: банкдан олинаётган кредит маблағлари, улар хоҳ ўз сўмимизда, хоҳ чет эл валютасида бўлсин, энг муҳими, халқ хўжалик товарлари ва аҳоли томонидан кенг истеъмол қилинадиган ишлаб чиқариш учун йўналтирилмоқда. Тадбиркорлар, кичик ва хусусий бизнес субъектларига, деҳқон ва фермер хўжаликларига ажратилаётган кредитлар унумли самара бераётир.

Банк жами активларининг 84 фоизи эса иқтисодиётнинг реал секторини молиявий таъминлашга йўналтирилган кредит қўйилмаларига тўғри келади. АТ «Пахта банк»нинг 2008 йилга мўлжалланган кредит сиёсатининг асосий йўналишларига мувофиқ саноат, савдо ва таъминот-тайёрлов тармоқларига қисқа ва узоқ муддатли кредитлар берилди.

2008 йилнинг 1-чорагида якка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш натижасида кўплаб ишчи ўринлари, шунингдек, қишлоқ жойларида юқори инновацион лойиҳалар яратилди.

Вилоятга наслли қорамоллар олиб келиш дастурига асосан Тошкент вилоятининг Чиноз туманидаги «Барака» фермер хўжалиги билан шартнома тузилди. Фермер хўжаликларига 149 та қорамол етказиб бериш учун банк кредити ҳисобидан 423.0 млн. сўм маблағ ажратилди. Натижада вилоятга 149 дона наслли қорамоллар олиб келинди.

Марҳамат туманига Халқаро тараққиёт ва тикланиш банкининг кредит линияси орқали Белоруссиядан 15 та «МТЗ-80Х» ва «МТЗ-1025» русумли тракторлар ва 22 та культиваторлар етказиб берилди. Избоскан туманининг Нишонбой Жўраев массивида жойлашган Оистахон Ўринова раҳбарлик қилаётган «Гулзор пари» фермер хўжалиги 129,4 гектар ерда деҳқончилик қилади. Шундан 93,9 гектари пахта, 35,8 гектари ғалла. Яқинда хўжалик «Пахта банк» томонидан ажратилган кредит ҳисобига «МТЗ-80» русумли чопиқ трактори сотиб олди. Шунингдек, 2007 йилда Хўжаобод туманидаги Нўъмонжон Нишонов раҳбарлигидаги «Хўжаобод Гилмон» фермер хўжалиги «ВТ-150» ҳайдов трактори; Асака туманининг Мамадолим Мамадалиев раҳбарлигидаги «Асака холис» фермер хўжалиги «ТТЗ-80» русумли чопиқ трактори; Шахрихон туманининг Назиржон Буваев бошчилигидаги «Азизбек-97» фермер хўжалиги 2007 йилда «Класс Доминатор» дон ўриш комбайни харид қилдилар.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида катта ўзгаришлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан қабул қилинган фармонлар ҳамда қарорлар ҳаётга кенг жорий этилиб, кўп тармоқли иқтисодиётни ривожлантириш билан боғлиқ катта имкониятлар эшиги очилди. Деҳқонлар илгари мутлақо давлатники бўлган ердан ҳозир омилкор фермер сифатида самарали фойдалана бошлашди. Бу ўринда ҳам банк бошқармасида амалга оширилаётган ишлар салмоқли. Жумладан, 1794 та деҳқон хўжаликларига шахсий томорқада қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун сабзавот ва картошка уруғлари, мева ва узум кўчатлари, 1081 та деҳқон ва фермер хўжаликларига қорамол ва парранда сотиб олиш учун кредитлар ажратиб берилди. Худди шунингдек, 2 та «Класс Доминатор-130» дон ўриш комбайни, 13 та фермер хўжаликларига «ВТ-150», «ТТЗ-80», «ТТЗ-100», «МТЗ-80» тракторлари ҳамда омоч тиркамалари учун кредитлар йўналтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ вилоятдаги ёш оилаларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида банк бошқармаси томонидан 126 та ёш оилага тадбиркорлик фаолияти учун микрокредитлар ажратилди. Жумладан, банкнинг Пойтуғ бўлими томонидан тадбиркор Илҳомжон Тўлановга ёш оила сифатида 3 йил муддатга дурадгорчилик фаолияти учун 5 млн. сўм имтиёзли кредит маблағи берилди. Бу кредит ҳисобига у 3 та ишчи ўрни яратиб, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини 990 минг сўмликка етказди.

Олтинкўл бўлимида яна бир ёш оила сифатида тадбиркор Акмалжон Рўзиевга 2 йил муддатга парранда ва омухта ем сотиб олиш учун 4 млн. 700 минг сўм миқдорида микрокредит ажратилди ва ушбу имтиёзли кредит ҳисобига 3 та ишчи ўрни яратилиб, 735 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Юртимизда айни ёз. Чилла. Бундай паллаларда, биласиз, деҳқону чорвадорларнинг иши кўпайгандан кўпаяди. Андижонлик ғаллакорлар бу йил мўл дон ҳосили етиштирдилар. Давлатга режадагидан анча ортиқ ғалла сотилди. Фермерлар меҳнатига яраша даромад эгалари бўлишди. Айни пайтда пахтакорлар ўзларига навбат келганлигини ҳис этиб, ҳозир айни шоналаган, ҳатто айрим жойларда кўсаклай бошлаган пахта далаларига ишлов беришни жадал олиб бормоқдалар. Бундай долзарб пайтларда вилоят «Пахта банк» бошқармаси ходимлари деҳқонлар оғирини енгил қилиш учун доим камарбаста. Ният — деҳқонларга ҳамиша мададкор бўлиб, мамлакат Мустақиллигининг ўн етти йиллигини муносиб кутиб олиш.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

УМУМАРМИЯ ҚЎШИҚ ФЕСТИВАЛИ

Пойтахтимиздаги марказий офицерлар саройида «Мардлар қўриқлайди Ватанни» мавзуида умумармия қўшиқ фестивали бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати ҳамда «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анъанавий қўшиқ танловида ҳарбий қисм ва округларда ўтказилган дастлабки босқичларда ғолиб бўлган ҳарбий санъаткорлар ўзлари тайёрлаган саф қўшиқлари, профессионал ижрочилик ва эстрада йўналишлари бўйича ўз маҳоратини синовдан ўтказди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамбли ҳамда таниқли эстрада хонандаларининг концерт дастури намойиш этилди.

Х.САЛИМОВ,
ЎзА мухбири

«Крокус Газ Сервис» ҚК

«Газдевайс» АЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, турли русум ва катталикдаги қозонларни таклиф этади:

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари (200 кВт ва 400 кВт);
- буғ қозонлари (соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари (100 кВт ва 200 кВт);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар (7 кВт дан 16 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар (20 кВт дан 100 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар (10 кВт дан 40 кВт гача).

Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.
Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.

Кўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:
1. Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, саноат моллари қаторида жойлашган 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 233-44-73.
2. Тошкент ш., Т. Шевченко кўчаси, 34-уй, чап қатордаги 3-дўкон.
Мўлжал: Perfectum mobile. Тел.: 252-20-73.

ХОРИЖДА

ҲУКУМАТГА ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ

22 июль куни Ҳиндистон парламенти депутатлари ҳукуматга ишонч билдирди, деб хабар беради AFP.

Бош вазир Сингха ҳукуматини ёқлаб, 543 нафар депутатнинг 253 нафари овоз берди. Шу тариқа ҳиндлар сиёсий танглик ва навбатдан ташқари парламент сайлови ўтказиш заруратидан халос бўлди. Бундан ташқари, сайлов натижалари Ҳиндистон ва АҚШ ўртасида ядро ҳамкорлиги бўйича келишувни амалга ошириш имконини яратади.

СУРИЯ-ЛИВАН АЛОҚАЛАРИ ТИКЛАНАДИ

Сурия ташқи ишлар вазири Валид Муаллим душанба куни Ливанга ташриф буюрди, деб хабар беради Ливан ОАВи.

Вазир Ливан президенти Мишел Сулаймонга Сурия президенти Башар Асаднинг расмий ташриф ҳақидаги таклифномасини топширди. Яқин ўн кунларда бўлиб ўтадиган ташриф икки томонлама муносабатларни яхшилаш ва давлатлар ўртасида дипломатик алоқа ўрнатиш мавзуига бағишланади. Кузатувчиларнинг фикрича, мустақилликка эришганидан 60 йил ўтиб, давлатларнинг дипломатик алоқа ўрнатиши икки томонлама муносабатларнинг янги босқичи бошланганини билдиради.

2005 йил Сурия Ливан ҳудудидаги ҳарбий кучларни чиқариб олган эди. Ливан бош вазири Рафиқ Харирининг ўлимидан сўнг давлатлар ўртасига совуқчилик тушди. 2008 йил май ойида Доха шаҳрида Сурия ёрдамига таянувчи Ливан муҳолифати ва парламентдаги ғарбпараст кучлар ўртасида битим имзолангач, вазият яхши томонга ўзгарди. Бу эса, Ливандаги ярим йиллик сиёсий тангликка нуқта қўйди.

АЛ-ЯЗИД ИНТЕРВЬЮ БЕРДИ

«Ал-Қоида»нинг Афғонистондаги операцияларига бошчилик қилувчи раҳбари Мустафо Абу ал-Язид Покистоннинг Geo телеканалига интервью берди, деб хабар қилади BBC News.

Ал-Язид 2002 йилдан бери журналистлар билан учрашишга рози бўлган гуруҳнинг юқори мартабали вакилидир. Одатда, «Ал-Қоида» ўзи ёзиб олган чиқишларни ОАВ эълон қилади. Журналистларнинг маълум қилишича, ал-Язид Афғонистоннинг Хост музофотида учрашишга розилик берган. Учрашув вақти ва жойи аниқ маълум қилинмаган.

Интервьюда у ал-Язид 2 июнь куни Дания элчихонаси ва Исломободда юз берган портлашларни «Ал-Қоида» уюштирганини тасдиқлади. Бундан мақсад — Дания матбуоти чоп этган карикатура учун ўч олиш бўлганлигини айтди. Шунингдек, телетомошабинларга 2001 йил 11 сентябрь АҚШ, 1998 йил Кения ҳамда Танзаниядаги АҚШ элчихонасидаги воқеаларда бевосита «Ал-Қоида» иштирок этганини эслатди.

БОЛАЛАР ОРАСИДА

ИРҚЧИЛИККА ҚАРШИ

Буюк Британиянинг болалар масаласи бўйича миллий бошқармаси (National Children's Bureau) болалар боғчасида ирқчиликка қарши курашишга бағишланган 366-бетлик йўриқномани чоп этди, деб хабар беради The Telegraph.

«Кичик болалар ва ирқий адолат» деб номланган ҳужжат ирқчиликнинг ўта хавфли кўринишларини мактабгача ёшдаги болалар орасида бартараф этишни кўзда тутади. «Бирорта ҳам ирқчилик кўриниши эътибордан четда қолиши керак эмас», дейилади ҳужжатда. Акс ҳолда, болалар буни табиий ҳол деб қабул қилади.

ЯНГИ ҚУРОЛ ТУРИ

АҚШнинг Sierra Nevada Corporation компанияси Пентагоннинг буюртмаси билан махсус нурланиш орқали инсон миясига таъсир кўрсатадиган қурол яратмоқда, деб хабар беради РИА Новости.

Янги тизим «МЕДУЗА» деб номланади ва у 2003 йилдан яратила бошланган. Махсус нурланиш ўлимга олиб келмай, кар қилувчи товушдек таъсир қилади ва инсон ўзини ёмон ҳис қилишига сабаб бўлади. Бундан мақсад — одамларнинг ман этилган ҳудудга кириши ёки ножўя иш қилишидан тўхтатишдир. Товуш қулоқ орқали миянга микротўлқин тарзида кириб боради. Мазкур қуролдан полициячилар намойишчиларни тарқатишда фойдаланиши мумкин.

АВТОБУС ҲАЛОКАТИ ОҚИБАТИДА

Бразилиянинг Риу-Гранди-ду-Сул штатида содир бўлган автобус ҳалокати оқибатида ўн уч киши ҳаётдан кўз юмди, йигирмадан зиёд одам оғир жароҳатланди.

Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг хабарларига қараганда, ҳалокатга автобус билан юк машинасининг тўқнашуви сабаб бўлган. Оқибатда автобуснинг олд қисми бўлиниб кетган.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Объектлар номи:
ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ

1	Марғилон шаҳар, Ипак йўли кўчасидаги 920 ўқувчи ўринли 2-мактаб	19	Олтиариқ тумани, Повулғон қишлоғидаги 480 ўқувчи ўринли 38-мактаб
2	Ёзёвон тумани, Қоратепа қишлоғидаги 536 ўқувчи ўринли 30-мактаб	20	Ўзбекистон тумани, Шўрсув қишлоғидаги 480 ўқувчи ўринли 9-мактаб
3	Фарғона тумани, Навкент қишлоғидаги 640 ўқувчи ўринли 43-мактаб	21	Бешариқ тумани, Новкат қишлоғидаги 536 ўқувчи ўринли 28-мактаб
4	Қува тумани, Қува қишлоғидаги 536 ўқувчи ўринли 17-мактаб	22	Бағдод тумани, Иргали қишлоғидаги 520 ўқувчи ўринли 30-мактаб
5	Қува тумани, Абдуразоков қишлоғидаги 624 ўқувчи ўринли 24-мактаб	23	Бағдод тумани, Говхона қишлоғидаги 624 ўқувчи ўринли 37-мактаб
6	Қува тумани, Ўзбекистон қишлоғидаги 624 ўқувчи ўринли 28-мактаб	24	Бағдод тумани, Боғишамол (Чекмирзаобод) қишлоғидаги 960 ўқувчи ўринли 8-мактаб
7	Фарғона тумани, Ёшларобод қишлоғидаги 640 ўқувчи ўринли 55-мактаб	25	Бағдод тумани, Бағдод қишлоғидаги 844 ўқувчи ўринли 35-мактаб
8	Бувайда тумани, Қўнғирот қишлоғидаги 784 ўқувчи ўринли 19-мактаб	26	Бувайда тумани, Бувайда қишлоғидаги 960 ўқувчи ўринли 24-мактаб
9	Бешариқ тумани, Қораяптоғ қишлоғидаги 504 ўқувчи ўринли 30-мактаб	27	Бувайда тумани, Чумбағиш қишлоғидаги 624 ўқувчи ўринли 18-мактаб
10	Данғара тумани, Сирдарё қишлоғидаги 784 ўқувчи ўринли 5-мактаб	28	Бувайда тумани, Ялонғоч қишлоғидаги 960 ўқувчи ўринли 29-мактаб
11	Учкўприк тумани, Яйилма қишлоғидаги 784 ўқувчи ўринли 15-мактаб	29	Бешариқ тумани, Юқорирапқон қишлоғидаги 620 ўқувчи ўринли 27-мактаб
12	Учкўприк тумани, Бекбача қишлоғидаги 784 ўқувчи ўринли 2-мактаб	30	Данғара тумани, Овул қишлоғидаги 504 ўқувчи ўринли 29-мактаб
13	Қўқон шаҳар, Тўғонбоши кўчасидаги 1076 ўқувчи ўринли 15-мактаб	31	Учкўприк тумани, Катта кенагас қишлоғидаги 1176 ўқувчи ўринли 21-мактаб.
14	Фарғона шаҳар, Қувасой кўчасидаги 1176 ўқувчи ўринли 5-мактаб	32	Ўзбекистон тумани, Тагоп қишлоғидаги 624 ўқувчи ўринли 6-мактаб
15	Риштон туман, Жаҳонобод қишлоғидаги 784 ўқувчи ўринли 31-мактаб	33	Ўзбекистон тумани, Каримдевона қишлоғидаги 1176 ўқувчи ўринли 8-мактаб
16	Охунбобоев тумани, Қорақалпоқ қишлоғидаги 520 ўқувчи ўринли 24-мактаб	34	Қўқон шаҳар, Мамаюсупова кўчасидаги 960 ўқувчи ўринли 20-мактаб
17	Риштон тумани, Риштон қишлоғидаги 960 ўқувчи ўринли 26-мактаб	35	Тошлоқ тумани, Сада қишлоғидаги 844 ўқувчи ўринли 3-мактаб
18	Риштон тумани, Амиробод қишлоғидаги 960 ўқувчи ўринли 33-мактаб	36	Марғилон шаҳар, Надирмат кўчасидаги 820 ўқувчи ўринли 31-мактаб

Курилиш муддати — 20 август 2008 йил.

Буюртмачи — Фарғона вилоят ҳокимлиги Халқ таълими бошқармаси.

Манзили: Фарғона шаҳар, Додхоҳ кўчаси, 2-а уй, ***тел/факс:*** 224-76-25.

Таъмирлаш ишлари Бюджетдан ташқари мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича:

Фарғона шаҳри, К.Раҳимов кўчаси, 2-а уй (Фарғона вилоят «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси биноси), ***телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76*** мурожаат қилишлари мумкин.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин ўтказилади.

Ватан манзаралари

МЎЪЖИЗАВИЙ МАФТУНКОР МАНЗИЛ

— Хўжапиряхнинг Худо берган гўзал табиати, сирли-синоатли Хўжаасмин, шарқироқ Сангардак дарёси, элга достон Боботоғ, Чош чашмалари, Карсакдаги зилол булоқлар кишиларни азалдан мафтун этиб келади, — дейди 106 ёшли Ҳожимурод бобо Ҳайитов. — Хонжиза конининг ўзлаштирилиши эса мустақиллигимиз иноятн...

Олисдан пурвиқор тоғлар кўзга ташланади. Қуёшнинг заррин нурлари унга янада салобат ва мағрурлик бахш этгандек. Минг йилларга гувоҳ бу юксакликлар кишини ҳаяжонга солади. Боботоғ номига монанд улуғ тоғ. Унинг улкан ўркачларию булутларга туташ чўққиларини кўриб, фахр ҳиссини туясиз.

Пастқам адирлик, паст-баланд қирлардаги ўт-ўланлар саратоннинг жазирамасидан сарғайган бўлса-да, этакда жойлашган Дебодомдан ўтган сайин ҳаво мўътадиллашади. Пастда эса Хонжиза дарёси шарқираб оқаяпти. Зилол, тиниқ сув тошдан-тошга урилиб, мафтункорлик касб этади.

Пастак уйлар тоғ шароитига мос қурилган. Хомашёнинг асосий қисми ҳам маҳаллий. Пойдеворлар тошдан, эшик-ром, айвон, қўйингки, ёғоч зарур бўлган жойларга кўктерак ишлатилган. Тахминан икки соатлар юргач, манзилга етдик. Уловдан тушишимиз билан булбулнинг хуш навоси баҳри-дилимизни очиб юборди. Ифордан тўйиб-тўйиб нафас олдик. Хонадон соҳиби Авазмурод Бегов бизни тоғликларга хос илтифот билан қарши олди.

— Жаннатмонанд ватанимиз оламда ягона, — дейди у чин юракдан. — Айниқса, табиатимиз бетакрор. Ўзбекистоннинг бир бўлаги бўлган митти Хонжизани чин дилдан яхши кўраман. Унинг беқиёс гўзалликларини севаман. Хўжаасминда июлнинг ўрталарида зардоли ғарқ пишади. Картошканиям шунда ковлаймиз.

Қуёш юзини паға-паға булут қоплаб, ёмғир ёға бошлади. Ёқимли сабо эсди. Чор-атрофга турли гиёҳ ва гулларнинг ўткир ифори таралди. Дарахт барглари бизга «соябон». Дам ўтмай яна қуёш чарақлайди.

— Кунда-кунора ёғингарчилик — деб давом этади мезбонлардан Абдусамад Бақоев. — Июннинг бошларида экинтикинни бошлаймиз. Сентябрнинг охирида совуқ тушса, октябрь ойида қор ёғади. Шундан бўлса керак, хурмо, узум, анжир, анор битмайди. Аммо олмаларимиз анча машҳур. Бодом, дўлана, ҳалулни айтмайсизми? Уч асрни кўрган ёнғоқлар бир тоннагача ҳосил беради. Ота-боболардан мерос чорвачилик бугун ҳам рўзғорларнинг баракаси.

Не-не воқеаларнинг гувоҳи бўлган мафтункор тоғлар бизни ўз бағрига чорлайди. Бири иккинчисига ўхшамайди, бири бошқасини такрорламайди. Асрлар шоҳиди бу мўъжизакор табиат сир-синоатга лиммолим. Бунда кийик, силовсин, бўри, айиқ, йўлбарс, қоплон, каклик, булбул каби жонзотларни учратиш мумкин.

— Хўжаасминдан кейин Чош, Пор, Пуштиварак, Кузяк, Карсак қишлоқлари жойлашган, — дейди Абдулла Ҳайитов. — Нарёғи Қашқадарё ва Самарқанд вилоятлари. Ота-боболаримиз қадимда бозор-ўчар учун шу томонларга боришган экан. Порда эса мамлакатимиздаги энг баланд чўққи — Хўжапирях жойлашган. Денгиз сатҳидан 4 минг метр баланд ҳудуд абадий музликлар маконига айланган. Шу боис, бизда ҳаво анча салқин. Айниқса, бу йил қиш қаттиқ келди. 4 метр қор тушиб, 30 даражагача совуқ бўлди. Ҳозир ҳам қор бор, ҳув этакка қаранг...

Ҳақиқатан ҳам, айри тоғ бағрида қиш зийнати шундоққина кўриниб турарди.

Соат 15 ларда қуёш тоғлар ортига ўтди. Ўнг томонда улкан соя, қаршимиздаги чўққида эса элас-элас заррин нурлар кўзга ташланади. Мезбонларнинг таклифи билан 106 ёшли Ҳожимурод бобо Ҳайитов хонадонига бордик.

— Мустақил Ўзбекистонимиз янада гуллаб-яшнайверсин! — дейди отахон. — Қаранг, вилоят марказидан 200 чақирим олисда жойлашган тоғ қишлоғи бугун қайта дунёга келмоқда. Коннинг ўзлаштирилиши кўплаб қулайликларга бешик бўлаяпти. 30 километрга яқин йўл қайта қурилаяпти. Шаҳарча, турар-жой биноларига пойдевор ташланибди. Ҳатто поезд ҳам келар эмиш! Минглаб ёшларнинг иш билан таъминланиши фаровонлик-да, болам!

Буларни эшитиб, хурсанд бўлдим, кўнглим шу тоғлардек ўсди. Хонжиза кони ҳам «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўлидек дунёга машҳур бўлади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ГЎЗАЛ ЁЗ — ЎТМОҚДА СОЗ





Шу кунларда мамлакатимиздаги болалар дам олиш оромгоҳларининг қай бирига борманг, бири-биридан қизиқарли тадбирлар устидан чиқасиз.

Соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, миллий қадриятларимизни эъзозлаш, асраб-авайлашга йўналтирилган бу спорт ва санъат ўйинлари, танловлар болаларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Яқинда Ангрен шаҳрида жойлашган Стрельцов номли болалар дам олиш оромгоҳида «Мустақиллик бизнинг борлиғимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир» мавзуида маънавий-маданий тадбир бўлиб ўтди.

Унда фаол иштирок этганлар республика маънавият-тарғибот маркази Тошкент шаҳар Юнусобод туман бўлими томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Суратларда: тадбирдан лавҳалар.

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 649
8078 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 02.20
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda

Пекин олимпиадаси олдидан

Анна САВКИНА:

«ЯГОНА ОРЗУИМ ОЛИМПИЯ МЕДАЛИНИ ҚЎЛГА КИРИТИШДИР»

Яна саноқли кунлардан сўнг Хитой пойтахти Пекинда XXIX ёзги Олимпия ўйинлари бошланади. Ўзбекистон спортчилари ер куррасининг мазкур энг нуфузли мусобақасида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга пухта ҳозирлик кўришмоқда.

Шу кунгача ҳамюртларимиз Пекин олимпиадасига эллик учта йўлланмани қўлга киритишди. Агар ушбу мусобақага лицензия берувчи турнирлар ҳали давом этаётгани ҳисобга олсак, Пекинга борадиган спортчиларимиз сони янада ортиши мумкин.

Республика Олимпия заҳираларни спорт коллежи битирувчиси, халқаро тоифадаги спорт устаси Анна САВКИНА Пекин олимпиадасида трамполин бўйича юртимиз шарафини ҳимоя қилади. Биз фурсатдан фойдаланиб, иқтидорли спортчимизнинг нуфузли мусобақага тайёргарлиги, унинг орзу-истаклари билан қизиқдик.

— Шу йил бошида Канадада ўтказилган жаҳон чемпионатида кучли ўнликдан жой олиб, Пекин олимпиадасига йўлланмани қўлга киритгандим, — дея сўз бошлайди Аня. — Ўтган олти ой мен учун ўзига хос синов бўлди, десам, хато қилмайман. Ана шу давр мобайнида Польша, Япония, Франция, Швейцария ҳамда Испания давлатларида беш босқичда ўтказилган жаҳон кубоги баҳсларида ўз маҳоратимни оширишга ҳаракат қилдим. Ўзбекистон чемпионатида олтин медалга сазовор бўлдим. Қувонарлиси, мамлакат чемпионатида қозонган ғалабам менга Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтига давлат тест синовларисиз, имтиёзли ўқишга кириш ҳуқуқини берди.

— Айни пайтда нималар билан машғулсиз?

— Ҳозир фақат Пекин олимпиадаси ўй-хаёли билан яшаяпман. Мураббийларим Рашид Исенов, Елена Федоренчик, Роза Гальфитдиновалар мен билан доимо ёнмаён. Уларнинг кўрсатмалари асосида маҳоратимни ошириб, камчиликларимни бартараф этишга ҳаракат қилаяпман.

— Муҳим мусобақа олдидан ўз имкониятларингизни қандай баҳолайсиз?

— Олимпиадада кучсизлар иштирок этмаслиги барчага аён. Айни пайтда Хитой, Россия, Канада сингари давлатлар вакиллари медалларга асосий даъвогар сифатида эътироф этилмоқда. Аммо бу менинг имкониятларим паст дегани эмас. Илгари фақат Олимпия ўйинлари йўлланмаси ҳақидагина ўйлардим. Ҳозир эса ундан медаль билан қайтиш учун астойдил тайёргарлик кўраяпман. Ҳаммасини мусобақада эришган кўрсаткич белгилаб беради. Мен эса ғолибликка асосий даъвогар деб айтилаётган спортчиларнинг ўзимдан устун жиҳатларини кўрмаяпман.

Рашид Исенов, трамполин бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи:

— Трамполин спорт тури Олимпия ўйинлари дастурига 2000 йили киритилган. Ўша йили Сиднейда ўтган ёзги олимпиадада Екатерина Хилько илк маротаба юртимиз шарафини ҳимоя қилиб, тўртинчи натижани қайд этган эди. Анна Савкинанинг Пекин олимпиадасига йўлланма олиши тасодиф эмас. Бу спорт тури бўйича мамлакатимизда ўзига хос мактаб шаклланган. Анянинг ўта тиришқоқлиги ва меҳнатсеварлиги менга жуда ёқади. У берилган топшириқни ўз вақтида сўзсиз адо этишга одатланган. Мисол учун, мен унга маълум бир элементни 100 марта такрорла, десам, шу заҳоти ортиғи билан уддалайди. Анянинг ҳали ўн еттига тўлмасдан олимпиадага йўлланма олганлигининг ўзи унинг қандай иқтидор эгаси эканини кўрсатиб турибди. Шунинг учун ҳам Анна Савкинадан Пекин олимпиадасида умидимиз катта.

Улуғбек ЁРМАТОВ суҳбатлашди.
Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ ЯНГИ МАКТАБДА

Олот туманидаги Буржоқ қишлоғи болалари янги ўқув йилини янги мактабда бошлашади. Анча йиллар олдин қурилиши бошланиб, ташлаб қўйилган бинода реконструкция ҳисобидан шинам ва кўркам мактаб бунёд этилмоқда. Бу ишни Олот ирригация ва мелиорация хусусий корхонаси қурувчилари поёнига етказмоқда.

— Қиймати 450 миллион сўм бўлган бу мактабни Мустақиллик байрамигача фойдаланишга топшириш ниятидамиз, — дейди хусусий корхона иш юритувчиси Баҳодир Раҳимов. — Шуниси қувончлики, қишлоқда ҳали бундай гўзал билим маскани қурилмаган. У 300 ўқувчига мўлжалланган бўлиб, икки қаватли, муҳташам спорт залига эга.

Бундай хайрли ишлар келгуси йил ҳам давом этади. Туманда битта мактаб, учта касб-ҳунар коллежи қад ростлайди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Қинғир иш — келтирар ташвиш

ҲУЖЖАТСИЗ ДИСКЛАР, НОҚОНУНИЙ «ОПЕРАЦИЯ»ЛАР

Бугун техника шу даражага етдики, унинг имкониятларидан ҳар қадамда фойдаланамиз. Компьютер соҳаси такомиллашиб боряпти. Аудио-видео кассеталар, лазер дискларнинг минг бир тури пайдо бўлдики, қойил қоласиз. Лекин масаланинг бир жиҳати борки, бу ҳақда жиддий ўйлаб кўриш керак. Кўча-кўйда, дўконлардаги кассеталар, дисклар қонуний сотиляптими? Ундаги ёзувлар бизнинг табиатимиз, маданиятимизга тўғри келадими? Ана шундай ножўя ишларнинг олдини олиш мақсадида ўтказилган текширишда қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди. Жумладан, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Ўзбекистон кўчасида жойлашган «DIL-ALI SAVDO EXPORT-IMPORT» ХКга қарашли дўконда ўтказилган қисқа муддатли текширувда қинғирликлар фош этилди. Корхона раҳбари Дилмурод Абдувалиев ва дўкон сотувчиси Жасур Зокировлар олдиндан ўзаро жиноий тил бириктирган ҳолда, мулкий манфаат кўриш мақсадида муаллифлик ҳуқуқига эга бўлган корхоналарнинг муаллифлик ҳуқуқларини ўзлаштириб, компакт дисклар савдоси билан ноқонуний равишда шуғулланиб келганлар.

Дўконда савдога қўйилган жами 7 турдаги 2.744 дона 8.151.000 сўмлик CD ва DVD дисклар кўздан кечирилганида, кирим ҳужжатлари ва сифат сертификатлари бўлмаганлиги аниқланиб, далилий ашё тариқасида олиб қўйилди. Диск эгаларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Фахриддин Мақсудов ҳам бугун қилган ишидан пушаймон. Негаки, хусусий тадбиркор савдо қоидаларини жуда кўп миқдорда бузган. У 89 дона хорижда ишлаб чиқарилган костюм-шим маҳсулотларини жами 9.900 АҚШ долларига сотиб, НКМ чеки ёки унга тенглаштирилган квитанция ёзиб бермаган. Далилий ашё сифатида вақтинчалик олиб қўйилган ва 13.350.000 сўмга баҳоланган костюм-шимлар тақдирини суд ҳал қилади.

Мирзо Улуғбек туманидан рўйхатдан ўтган «ROILS PLAST» МЧЖнинг фаолияти юзасидан таҳлил ўтказилганида, корхона раҳбари Исроил Абдираимов ва ушбу корхонанинг «раҳнамоси» Иван Короллар олдиндан жиноий тил бириктириб, мансаб ваколатларидан қасддан фойдаланишгани маълум бўлди. Улар мансаб сохтакорлиги йўли билан кўп миқдордаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаб, давлат манфаатларига жиддий зарар етказишган.

Жумладан, Иван Король Исроил Абдираимовнинг номига «ROILS PLAST» МЧЖ очиб, унинг норасмий раҳбари бўлиб, жамиятнинг барча молиявий-иқтисодий фаолиятини юритиб келган. Бажарилмаган қурилиш ишларини бажарилган деб кўрсатиб, ҳар хил хўжалик юритувчи субъектлардан келиб тушган 154.970.0 минг сўм маблағни нақдлаштириб юборган. Бу ҳам етмагандек, корхона киримида бўлмаган 54.303.5 минг сўмлик товар-моддий бойликлар савдосини амалга ошириб, тўланиши лозим бўлган 2.715.1 минг сўмлик солиқларни қасддан яшириб, савдо қоидаларини жуда кўп миқдорда бузганликлари аниқланди.

«ROILS PLAST» МЧЖ раҳбари Исроил Абдираимов ўзининг тушунтириш хатида корхонанинг ҳисоб рақамига келиб тушган пулларни бошқа корхоналарнинг ҳисоб рақамларига ўтказиш учун корхонанинг ҳисоб рақами очилган «Универсал банк»нинг Тошкент филиалига умуман бормаганлигини ҳамда банк тўлов топшириқномаларига имзо қўймаганлигини ва биронта корхона билан шартнома тузмаганлигини кўрсатиб ўтган.

Мазкур ҳолат юзасидан «ROILS PLAST» МЧЖ раҳбари Исроил Абдираимов ва ушбу корхонанинг «раҳнамоси» Иван Короллар нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Савдо қоидаларини бузиб, ҳеч ким билмайди, дея қинғир ишга қўл урганлар албатта жазоланади.

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси матбуот гуруҳи хабарлари асосида Равшан ШОДИЕВ тайёрлади.

ТЕННИСЧИМИЗ КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

Грузия пойтахти Тбилиси шаҳрида эркаклар ўртасида давом этаётган «Фьючерс» таснифидаги халқаро турнирда дунёнинг ўндан зиёд мамлакатидан келган ракетка усталари қаторида ҳамюртимиз Важа Узоқов ҳам муваффақиятли иштирок этмоқда.

Умидли теннисчимиз мусобақанинг дастлабки босқичида Россиядан келган Роман Кислянскийга қарши кортга чиқди. Ҳужумкор ўйин кўрсатган Важа Узоқов рақибини 6:4, 7:6 ҳисобида доғда қолдирди.

Жуфтликлар баҳсида россиялик Виктор Козин билан бирга ўйнаётган Важа Узоқов чорак финал йўлланмаси учун ўтказилган учрашувда мезбонлар теннисчиси — Нима Какулия ва Нодари Карчаидзени 6:3, 7:5 ҳисобида енгиб, мусобақани давом эттирадиган бўлди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.